

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 23 куни, соат 10:30да жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.А.Эргашев, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурори ўринбосари А.Хўжмакулов, судланувчилар Х.Рузыбаев ва унинг ҳимоячиси-адвокати Э.Урақов, судланувчи Р.Жаббаров ва унинг ҳимоячиси-адвокати Ф.Рахманова, фуқаровий даъвогар Д.Мусурмоновнинг иштирокида, судланувчи Рузыбаев Хазратбек Низомжон ўғли ва Жаббаров Руслан Рамизовичларга оид №1-1413-2601/77-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Рузыбаев Хазратбек Низомжон ўғли**, 1956 йил 29 июль куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, нафақада, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади, Пастдарғом тумани, “Қорағуппа” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 05.02.2026 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан айбланган.

**Жаббаров Руслан Рамизович**, 1965 йил 7 июль куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, судланмаган, оилали, 5 нафар фарзанди бор, нафақада, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади, Пастдарғом тумани, “Тўқбой” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 17.02.2026 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Х.Рузыбаев текин ер участкасини қўлга киритишни мақсад қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддаси 2-қисмидаги



“Шахс томонидан қонунда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганда, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганда, қурганда, лойиҳалаштирганда, фойдаланишга топширганда белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, Пастдарғом тумани, “Ўзбекистон” массиви ҳудудида жойлашган, “Туроп Усмон Нурли воҳаси” фермер хўжалигига қарашли бўлган, ердан фойдаланиш харитасининг 610-қ-рақамли дала контуридаги 81,0 балл бонитетли, суғориб фойдаланиладиган ер майдоннинг 0,12 гектар қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, мазкур ер майдоннинг 225 кв. метр қисмига 2025 йилда уй-жой қурилишини амалга оширганлиги натижасида, ушбу ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, давлатга 28 млн. 412 минг 687 сўм зарар етказгани 2025 йил 17 ноябрь куни Кадастр агентлиги Пастдарғом туман бўлими ходимлари томонидан аниқланган.

Судланувчи Р.Жаббаров текин ер участкасини қўлга киритишни мақсад қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддаси 2-қисмидаги “Шахс томонидан қонунда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганда, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганда, қурганда, лойиҳалаштирганда, фойдаланишга топширганда белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, Пастдарғом тумани, “А.Навоий” массиви ҳудудида жойлашган, “Самарқанд Камалак Инвест кластер” МЧЖга қарашли бўлган, ердан фойдаланиш харитасининг 307-рақамли дала контуридаги 80,8 балл бонитетли, суғориб фойдаланиладиган ер майдоннинг 0,10 гектар қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, мазкур ер майдоннинг 225 кв. метр қисмига 2025 йилда уй-жой қурилишини амалга оширганлиги натижасида, ушбу ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиб, давлатга 28 млн. 342 минг 532 сўм зарар етказгани 2025 йил 21 ноябрь куни Кадастр агентлиги Пастдарғом туман бўлими ходимлари томонидан аниқланган.

Судланувчи Х.Рузыбаев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 1978 йилдан 2001 йилга қадар собиқ “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида ҳисобчи вазифасида ишлагани, 1989-1990 йиллар атрофида колхоз томонидан аҳолига дастлаб 7 сотихдан ер берилгани, биров вақтдан сўнг ушбу тартиб ўзгартирилиб, ҳар бир кишига 15 сотихдан ер берилгани, шу вақтда у ҳам Пастдарғом тумани, “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида жойлашган 12 сотих ер майдонини олгани, бироқ шу вақтда ушбу ер майдон унга берилганлиги ҳақида ҳужжат мавжуд берилмагани, 2025 йилга қадар ушбу ер майдон бўш ҳолатда тургани, 2025 йилда ушбу ер майдонда ўзига бир уй қурмоқчи бўлиб, бетон фундамент қўйдиргани, 2025 йил 17 ноябрь куни Кадастр агентлиги Пастдарғом туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш давомида, ушбу майдон “Туроп Усмон Нурли воҳаси” фермер хўжалигига қарашли суғориладиган ер майдон эканлигини билгани, ушбу ерни ҳеч кимдан сотиб олмагани, қурилиш қилгани эвазига ернинг нобудгарчилиги учун



ҳисобланган 28.412.687 сўм зарарни қоплаб бергани, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Р.Жаббаров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, бундан бир неча йил олдин Пастдарғом тумани “А.Навоий” массиви ҳудудида жойлашган 0,10 гектар ер майдон колхоз томонидан унга берилгани, бироқ имконияти бўлмаганлиги сабабли, ушбу ердан фойдаланмасдан келгани, 2025 йилда ушбу ерда ўзи учун кичик бир уй қурмоқчи бўлиб, қурилиш ишларини бошлаб, қурилиш ишларини 2025 йилнинг октябрь ойида якунлагани, 2025 йил 21 ноябрь куни ўзини Кадастр ходимлари деб таништирган шахслар келишиб, ушбу қурилиш ишлари амалга оширилган ер майдон суғориладиган ер тоифасига мансуб эканлиги ва “Самарқанд Камалак Инвест кластер” МЧЖга қарашли эканлигини айтиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргани, ушбу ерни ҳеч кимдан сотиб олмагани, қурилиш қилгани эвазига ернинг нобудгарчилиги учун ҳисобланган 28.342.532 сўм зарарни қоплаб бергани, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчилар Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаров суд терговида ўз айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрғазмалар берган бўлса-да, уларнинг айби судда сўралган қуйидаги, яъни:

-“Зоом” дастури орқали сўралган фуқаровий даъвогар Д.Мусурмоновнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси етакчи мутахассиси вазифасида ишлаши, ўрганиш ишлари давомида Х.Рузыбаев 2025 йилнинг ноябрь ойларида Пастдарғом тумани “Ўзбекистон” массиви ҳудудида жойлашган “Туроп Усмон нурли воҳаси” фермер хўжалигига қарашли суғориладиган 0,12 га. ер майдонни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу ерда 225 кв.метр ноқонуний қурилиш қилгани натижасида, суғориладиган ер майдон қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб, давлат манфаатларига 28.412.687 сўм миқдорида зарар етгани, бундан ташқари Ш.Раджабов 2025 йилнинг ноябрь ойларида Пастдарғом тумани “А.Навоий” массиви ҳудудида жойлашган “Самарқанд камалак инвест кластер” МЧЖга қарашли суғориладиган 0,10 га. ер майдонни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу ерда 225 кв.метр ноқонуний қурилиш қилгани натижасида суғориладиган ер майдон қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб, давлат манфаатларига 28.342.532 сўм миқдорида зарар етказгани, етказилган зарарлар депозит ҳисоб рақамларга тўлангани, Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаровларга нисбатан даъвоси йўқлиги ва депозит ҳисоб рақамига тўланган пулларни Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси фойдасига ўтказиб бериш ҳақидаги;

-гувоҳ А.Тиллаевнинг, 2023 йилнинг январь ойидан буён Давлат кадастрлар палатаси Пастдарғом тумани филиалида мутахассиси вазифасида ишлаб келиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти 21.02.2022 йилдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш



чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарор ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларни ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган мониторинг давомида, Пастдарғом тумани “Ўзбекистон” массиви ҳудудида жойлашган “Туроп Усмон нурли воҳаси” фермер хўжалиги ҳисобида бўлган ердан фойдаланиш харитасида кўрсатилган 610-қ-рақамли дала контуридаги суғориб ҳайдаладиган ер майдонида туманнинг “Қорағушпа” маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Рузыбаев томонидан 0,12 гектар ер майдон ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, 2025 йилда 225 кв.м ҳажмда ноқонуний равишда қурилиш қуриб фойдаланиб келаётганлиги 2025 йил 17 ноябрь куни аниқлангани, шунингдек, назорат тадбири давомида “А.Навоий” массиви ҳудудида жойлашган “Самарқанд камалак инвест кластер” МЧЖ ҳисобида бўлган ердан фойдаланиш харитасида кўрсатилган 307-рақамли дала контуридаги суғориб ҳайдаладиган ер майдонида туманнинг “Тўқбой” маҳалласида яшовчи фуқаро Жаббаров Руслан Рамизович томонидан 0,10 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, 2025 йилда 225 кв.м ҳажмда ноқонуний равишда қурилиш қуриб фойдаланиб келаётганлиги 2025 йил 21 ноябрь куни аниқланиб, мазкур иккала ҳолат юзасидан ҳам тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилгани, ушбу ноқонуний равишда эгаллаб олинган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориладиган ерлар тоифасига кириши ҳақидаги кўрсатувлар билан;

шунингдек, судланувчилар Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаровнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар ва унга илова қилинган фото суратлар, Кадастр агентлиги Пастдарғом туман бўлимнинг алоқа хатлари, маълумотномаси ва мониторинг натижалари юзасидан тузилган хулосалари, харита нусхалари, далолатномалар, етказилган зарарни ҳисоблаш хулосалари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Рузыбаевнинг суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Жаббаровнинг суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Х.Рузыбаевнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб, қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Р.Жаббаровнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Х.Рузыбаевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, нафақадалиги, 60 ёшдан ошгани, икки нафар фарзанди борлиги, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, оилавий шароити ва шахсини ҳисобга олиб, ушбу қилмишини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида қайд этилган ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган талабларидан келиб чиқиб, гарчанд уни иш жойи бўлмасида, келгусида корхона, муассаса ва ташкилотга ишга кириш ҳуқуқига эга экани ва муносиб меҳнат қилиш ҳақидаги кониституцион ҳуқуқини бузилишини олдини олиш мақсадида, келгусида ишга кирган тақдирда, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашни ва қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

-ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига мувофиқ, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида, унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча тақиқлар (чеклашлар)ни юклашни лозим деб топди.

Суд, судланувчи Р.Жаббаровга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва



одиллик принциплари ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, нафақадалиги, 60 ёшдан ошгани, беш нафар фарзанди борлиги, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, оилавий шароити ва шахсини ҳисобга олиб, ушбу қилмишини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида қайд этилган ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган талабларидан келиб чиқиб, гарчанд уни иш жойи бўлмасда, келгусида корхона, муассаса ва ташкилотга ишга кириш ҳуқуқига эга экани ва муносиб меҳнат қилиш ҳақидаги конститутцион ҳуқуқини бузилишини олдини олиш мақсадида, келгусида ишга кирган тақдирда, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашни ва қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

-ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига мувофиқ, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида, унинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча тақиқлар (чеклашлар)ни юклашни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд иш бўйича етказилган зарарни муҳокама қилиб, судланувчилар Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаровлар томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 56.756.000 сўм пулларни етказилган зарарни қопланишини таъминлаш мақсадида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси фойдасига ўтказишни белгилашни;

-манфаатдор томонларга судланувчилар Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаров томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерга қурилган уйларни буздириш ва ер участкасини қонуний эгасига қайтариш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик тартибида даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни;



-ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган Кадастр агентлиги Пастдарғом туман бўлими томонидан Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаровлар суғориладиган ер майдонларини эгаллаб, қурилиш ишларини амалга оширганлиги ҳолати юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг маълумотномаси, “Ўзагроинспекция” Самарқанд вилоят бошқармасининг ерга етказилган зарарни ҳисоблаш тўғрисидаги хатларини жинойт ишига қўшилганлигини инобатга олиб, уларни иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Рузыбаев Хазратбек Низомжон ўгли** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойтни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Пастдарғом тумани “Қорағушпа” маҳалласида жойлашган уй-жойини чиқишни чеклаган ҳолда 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига асосан - назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар (тақиқлар) юклатилсин.

Судланувчи Х.Рузыбаевнинг тақиқлар (чеклашлар)га риоя этиши устидан назорат олиб бориш Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчи Х.Рузыбаев Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи Х.Рузыбаевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи **Жаббаров Руслан Рамизович** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жинойтни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Пастдарғом тумани “Тўқбой” маҳалласида жойлашган уй-жойини чиқишни чеклаган ҳолда 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига асосан - назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар (тақиқлар) юклатилсин.

Судланувчи Р.Жаббаровнинг тақиқлар (чеклашлар)га риоя этиши устидан назорат олиб бориш Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчи Р.Жаббаров Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи Р.Жаббаровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 56.756.000 сўм пуллар етказилган зарарни қопланишини таъминлаш мақсадида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмнинг тавсиф қисмида муҳокама қилинган ёзма ашёвий далиллар иш ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Манфаатдор томонларга судланувчи Х.Рузыбаев ва Р.Жаббаровлар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерга қурилган уй-жони буздириш ва ер участкасини қонуний эгасига қайтариш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик тартибида даъво қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья  
“Аслига тўғри”**

**Имзо**

**М.А.Эргашев**

